

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ГЕНДЕР МАСАЛАСИНИ ЕЧИШНИНГ СТРАТЕГИЯСИ

Я.А.Абдуллаева – тарих фанлари доктори, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институту

Таянч сўзлар: олий таълим, гендер, хотин-қизлар, ҳуқуқ, маслаҳат кенгашлари, таълим, талаба.

Ключевые слова: высшее образование, гендер, женщины, право, консультационные советы, образование, студент.

Key words: higher education, gender, women, law, advisory councils, education, student.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан кейин тарақиётнинг янги босқичи бошланди. Оилага, хотин-қизларга, болаларга бўлган муносабат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳуқуқат қарорлари, Давлат дастурлари [1], хотин-қизларнинг жамият ривожидagi фаол иштирокини таъминлаш, гендер тенгликка эътибор қаратишда муҳим аҳамият касб этмокда.

Ушбу қабул қилинган фармонлар, Қарорлар хотин-қизларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш ва мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг мамлакат ҳаётида иштирок этиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим кадам бўлди ва ва бу борадаги давлат сиёсатини белгилаб берди.

Ўзбекистонда хотин-қизларга оид кўплаб Фармон ва Қарорлар қабул қилинди. Лекин қуйида хотин-қизларга, Гендер масаласига бағишланган иккита энг катта Қонун мазкур масалага эътиборни чуқурроқ қаратиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Биринчиси: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сонли Қонуни 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинди.

Иккинчиси: шу кун яъни 2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг 562-сон Қонуни «Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида» ҳам қабул қилинди. Ушбу қонунлар гендер масаласида жуда катта ўзгаришларга олиб келмокда ва жамоатчиликнинг ижобий фикри ҳам пайдо қилмокда.

Қонунда Гендер, гендер зўравонлик тушунчаларининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилган. «Зўравонлик» — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, рухий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига таъвоуз қиладиган ғайри ҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик), гендер зўравонлик — жинсга асосланган зўравонлик тушунилади.

Гендер зўравонлиги дейилганда нафақат уйда, балки иш жойида, жамоат жойларида аёл хотин-қизларга фақат аёл жинсига мансуб бўлганлиги сабабли ҳақорат, жисмоний ва рухий босим ва шу каби инсон кадрини паймол қилувчи ҳаракатлар назарда тутилади.

Жинсий зўравонлик, Жисмоний зўравонлик, Зўравонлик, Иқтисодий зўравонлик, Иш жойи, Рухий зўравонлик, Тазйик, Тазйик ва зўравонликдан жабрланувчи, Тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, тазйик ва зўравонлигининг олдини олиш, ҳимоя ордери қабилар ҳақида тушунчалар ёритилган.

Юқорида алоҳида таъкидлаб ўтган ЎРҚ-561-сонли, шунингдек, 562-сонли қонунларида хотин-қизлар ва эркалар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳатлари ҳам кўрсатилган. Гендер тенглик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, гендер

тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиялар ва Марказлари вилоятларда ташкил этилган. Нукус шаҳрида хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 5020-сон Президент Қарорига асосан Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этиш, хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг таълим ва касбий қўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш каби масалалар ўрин олган.

Шу билан бирга, ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни чуқур таҳлил қилиш, илғор тажрибалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, хотин-қизларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш чораларини кўриш, ҳудудий хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллалардаги «Аёллар маслаҳат кенгашлари» фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, уларга услубий-амалий қўмаклашиш, «Аёллар дафтари» билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар, секторлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби муҳим вазифалар қўйилди [2].

Гендер тенглик масаласи, хусусан, хотин-қизларнинг эркалар билан тенг ҳуқуқчилиги, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эркинликлари, жамиятдаги, оиладаги ўрни ҳақидаги масалаларнинг кўриб чиқилиши, қонун томонидан белгиланиши ва ижроси тизимли равишда қараб чиқилмокда.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг биринчи қунларидан бошлаб, инсон ҳуқуқлари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича дунё ҳамжамияти томонидан қабул қилинган бир қатор халқаро ҳужжатлар ва дастурларга расмий равишда қўшилиш билан бу масалани давлат даражасига қўтарди [3]. 1995 йил Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институту жорий этилди. Вакилга кенг ваколатлар берилган.

Ўзбекистон Конституциянинг 5-боби 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, милли-

ти, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар» [4], - деб ёзилган.

Аёл маънавиятининг баркамол, куч-қудрат ва адолат тимсоли эканлиги қадимдан Турон заминда яшаган турли-туман қабила ҳамда халқларда алоҳида юқори баҳолашиб келади.

Мағрур, жасур ва доно Тумарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсийлар номлари нафакат биз учун, балки илғор фикрли дунё ахли учун ҳам илиқ ва улуг эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ўзбекистонда Миллий гендер сиёсати мафкураси, бир томондан, аёллар муаммосини ҳал этишда умумжаҳон демократик тамойилларнинг эътиборга олинганлиги, иккинчи томондан эса, Шарққа хос бўлган оила ва жамиятни бирлаштириб турадиган, болалар тарбиясида катта аҳамиятга эга аёлларга эътиром хусусиятлари инobatга олинганлигини таъкидлаш лозим.

Давлат, жамият ва миллат ривожидида таълим тизими алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги глобаллашув шароитида Олий таълим муассасалари ёшларни жаҳон талаблари даражасида ўқитишда зарурий поғона ҳисобланади. Бунда аёлларнинг роли ва ўрни жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ҳамда унинг таркиби тасдиқланиб, амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши йиғилишининг 1-сонли баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашининг таркиби ишлаб чиқилди. Кенгаш таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари раиси этиб тайинланди ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон Қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, кенгаш раиси ўринбосари ҳамда намунавий таркибга асос, Жўқорғи Кенгеси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, ҳамда бошқа вазирлик ва идора ташкилот раҳбарлари киритилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикасида хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат Кенгаши ҳам ташкил этилган.

Ўзбекистон олима аёллари «Олима» аёлларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Қорақалпоғистон тиббиёт институти, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Нукус филиали, Ташкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали, Ташкент давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали, Самарқанд ветеринария институти Нукус филиали, Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали, Навоий давлат қончилиги институти Нукус филиалида ҳам хотин-қизлар масаласида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда. Қизларнинг олий маълумотли бўлиб, ҳаётда муносиб ўрнини топишдаги имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида:

2020/2021 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республи-

касидан 53 нафар эҳтиёжманд хотин-қизлар олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинди.

2021/2022 ўқув йилида 114 нафари қўшимча давлат гранти асосидаги ўқишга қабул қилинди.

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетида [5] Хотин-қизлар кенгаши томонидан тизимли ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 17-июнь кунги «Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашларини тузиш тўғрисида»ги 326-сонли буйруғи асосида Қорақалпоқ давлат университетининг 2020-йил 24-июнь кунги 321-Д1 буйруғи билан Қорақалпоқ давлат университети Хотин-қизлар маслаҳат Кенгаши тузилди, Кенгаш раиси ва аъзолари таркиби шакллантирилган.

Университет Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 445-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Таълим муассасаларидаги Хотин-қизлар маслаҳат кенгашларининг 2020/2021 ўқув йилида амалга оширадиган ишлари бўйича намунавий режа»си асосида фаолият олиб боради.

Университет Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши режаси соҳа бўйича 4 та бўлим яъни

1. Меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларни такомиллаштириш,
2. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш,
3. Таълим муассасаларида хотин-қизлар билан ишлаш тизими,
4. Хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни ташкил этиш.

21 та банддан иборат маънавий-маърифий чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Хотин-қизлар Кенгаши қошида ташкил қилинган ушбу клуб ва тўғарақларга аъзо талаба-қизларимиз орасидан 6 нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, 1 «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони эгаси, 1 «Шухрат медали» эгаси, кўплаб Президент номидаги, Ислон Каримов, Навоий, Бердақ, Улуғбек, Беруний номидаги давлат степендияси ғолибалари, фан олимпиядаси ғолибалари, Азия, Жаҳон миқёсидаги спорт чимпионлари ва турли танлов ғолибалари етишиб чиқди.

2020 йил 1-декабрь куни Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг чет тиллари ва жисмоний маданият факультетларида талабалар ва профессор-ўқитувчилари иштирокида «Хотин-қизларга кўрсатиладиган тазйиқ ва зўравонликлар ва улардан ҳимояланиш» мавзусида учрашув ўтказилди. Мавзуга қаратилган ижтимоий ролик намойишидан сўнг, институтнинг Хотин-қизлар кенгаши раиси Фарида Отенова кириш сўзида «Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари, оилавий зўравонлик муаммолари ҳамда ушбу муаммоларнинг долзарблиги, хусусиятлари, сабаб ва оқибатлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, гендер стереотиплари бўйича хабардорлик даражасини ошириш, тазйиқ ва зўравонлиқнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш ҳақида гапириб ўтди [6].

Учрашувга Нукус шаҳри «Кўк узак» ОФИ раисининг оила, хотин-қизлар ва маънавий ижтимои масалалари бўйича муовини Гулнара Танирбергенова, Қорақалпоғистон Республикаси ОИСТга қарши курашиш маркази шифокори Валя Кылычева, институт пси-

хологи Гулжамал Торениязовалар ўз маърузалари билан катнашдилар. Чет тиллари факультети иқтидорли талаба қизлари Республика «Қизлар овози» онлайн мактаб битирувчиси, 2 мавсум координатори, И.Юсупов номидаги давлат стипендия эгаси 3 курс талабаси Дильноза Қдирбаева «Жамиятимизда бор бўлган стереотиплар» ва 2 курс талаба Акшагул Есемуратова «Гендер тенглиги ҳақида қонунлар бўйича тушунчалар» мавзуларида ўз презентациялари менен иштирок этди.

Қорақалпоғистон Тиббиёт институтида 2021 йил «25-ноябрь Халқаро Хотин-қизларга зўравонликни йўқ қилиш»га бағишланган тадбир отқазилди. Учрашувда Нукус шаҳри «махалла ва оилани қўллаб қувватлаш» бўлими бошлиғи оринбосари Абибуллаева Г. Хотин-қизлар кенгаши бошлиғи Курбанбаева С.А ва талабалар катнашди. Учрашув қисқача мазмун: эркак ва аёллар ўртасидаги тенг ҳуқуқ, гендер зорлик олдини олиш в.б масалалар кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Тиббиёт институтида 2021 йил 5 ноябрда Хотин-қизлар орасида ғурурка тегишлик, босим ва зўрликларнинг олдин олишга бағишланган семинар Офтальмология кафедраси бошлиғи М.К.К Қорақалпоғистон Республикаси қошидаги тергов бошқармаси оға терговчиси мойор Абдиреймов А. А., «Мухаммед Бахий эшон Жоме» масжиди имом хатиби Кудайбергенов С.Х. К., «Аёлларни реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш маркази» директори Насирова С. Ж., Хотин-қизлар Кенгаши бошлиғи Курбанбаева С. А., психолог мутахассис Шанназаров Б. Қ ва талабалар катнашди. Семинарда эркак ва аёллар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик, гендер зўравонлигининг олдини олиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида талаба қизлар орасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини уғит-насихат қилишга бағишланган тадбирлар амалга оширилган.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида 2021 йил 22-23-январь кунлари филиал талабалари ўртасида «Коррупцияга қарши курашиш бўйича», «Ёшлар Ватан хизматида ростгўйлик ва қонунларни ҳурмат қилиш тарафдори» мавзусида талабаларнинг ижодий ишлари танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус фи-

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 1995-йил 2-мартда «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»; 1999 йил 17 март «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони; 1999 йил апрель «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қонун. Қаранг: Хотин-қизлар кўмиталари учун ҳужжатлар тўплами. – Тошкент., 2002. Б. 9-95; Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325 Фармони. 2018 йил 2 февраль. // www.Lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармон. 2017 йил 7 февраль. // www.Lex.uz; Ўзбекистон республикасининг Қонуни «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сонли Қонуни 2019 йил 2 сентябрьда қабул қилинган Қонун; Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрьдаги 562-сон Қонуни «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 март, ПК-5020-сон қарори «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва бошқалар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 17-июнь кунги «Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашларини тузиш тўғрисида»ги 326-сонли буйруғи; Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 445-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Таълим муассасаларидаги Хотин-қизлар маслаҳат кенгашларининг амалга оширадиган ишлари бўйича намунавий режа»си.

2. Ўзбекистон республикасининг 2019 йил 2 сентябрьда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сонли Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрьдаги 562-сон «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» Қонуни.

3. 1992 йил 9 декабрда «Бола ҳуқуқлари Конвенцияси», 1995 йил 6 майда «Оналикни ҳимоялаш тўғрисида 103-Конвенция», «Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация», 1995 йил 30 августда «Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида», «Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёлларни тенг тақдирлаш тўғрисида 100-Конвенция», «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция», «Таълим соҳасидаги камситишга қарши Конвенция» ва бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилди; Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қушилган халқаро ҳужжатлар // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003. №2. 57-59-б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. 6-б. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Нукус: «Қорақалпоғистон», 2014. 16-б.

5. Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши жорий архиви. // Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетида тегишли материаллар. 2020-2021 йиллар.

лиалида «Одоб-ахлоқ қондаси» мавзусида ҳам давра суҳбати ўтқазилди. 1-Октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар»куни муносабати билан филиал хотин-қизлари орасида давра суҳбатлари ўтқазилди. Ноябрь ойида Филиал хотин-қизлари орасида «Хотин-қизларни тазйик ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва Гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ маъруза ўқилди.

Самарқанд ветеринария медицина институти Нукус филиалида профессор-ўқитувчилар ўртасида спортнинг волейбол туридан «Дўстлик спартакиадаси» спорт мусобақаси ўтқазилди. Мусобақага «Билимдан аёллар» жамоаси, «Фаол аёллар» жамоаси ва «Меҳнаткаш аёллар» жамоалари беллашдилар. Мусобақа якунида «Фаол аёллар» жамоаси 1 ўрин, «Меҳнаткаш аёллар» жамоаси 2 ўрин ва «Билимдан аёллар» жамоаси совринли 3 ўринни эгалладилар. Ғолиб жамоалар диплом ва баҳоли совғалар билан тақдирландилар.

Навий давлат қончилик институти Нукус филиали 2021 йил январь-декабрь оралиғида хотин-қизлар маслаҳат кенгашлари фаолият юритмоқда ва қатор ишлар амаолга оширилмоқда. 2021-йил давомида Психологик тренинг, «Давр қизлари» кўрик танлови, Амалий вики-тимиология курси, «Гуллар байрами», Миллийлигимиз ғуруримиз, Қийиниш маданияти, Соғлом турмуш учун беш минг қадам, Стол теннис спорт мусобақаси каби ишлар олиб борилган [7].

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин, хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бирига кўтарилди ва улар жамият ривожланишининг барча жабҳаларида фаолият юритмоқдалар. Шу жумладан хотин-қизларнинг олий таълим тизимидаги фаолияти бекиёсдир. Қорақалпоғистон олий таълим муассасаларида хотин-қизларнинг жамоат кенгашлари фаолиятини алоҳида қайд этиш мумкин. Кенгаш нафақат профессор-ўқитувчилар, балки талаба қизлар орасида ҳам умуммиллий ва умуминсоний кадрятлардан, замонавий олий таълим тизимининг сифат даражасини ошириш, халқаро талаб ва нормаларга жавоб бера оладиган соҳага айлантириш каби талаб ҳамда вазифалардан келиб чиқиб, таълим-тарбия ишларини олиб бормоқдалар.

6. Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши жорий архиви. 2020-2021 йиллар.
7. Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши жорий архиви. 2020-2021 йиллар.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Қорақалпоғистон олий таълим муассасаларида гендер масаласини ечишнинг стратегияси ўрганилган. Хотин-қизларга бўлган муносабат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги кўрсатилган. Олий таълим муассасаларида ташкил этилган маслаҳат кенгашлари, ёшларга, талабаларга қаратилган эътиборга аҳамият берилган. Хотин-қизларнинг маслаҳат кенгашлари фаолияти қисман ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается стратегия решения гендерных вопросов в высших учебных заведениях Каракалпакстана. Показано, что отношение к женщинам стало одним из приоритетов государственной политики. Консультативные советы, созданные в высших учебных заведениях, уделяют особое внимание молодежи и студентам. Частично изучена деятельность женских консультативных советов.

SUMMARY

This article discusses the strategy for addressing gender issues in higher education institutions of Karakalpakstan. It is shown that the attitude towards women has become one of the priorities of state policy. Advisory boards established in higher education institutions pay special attention to youth and students. The activities of women's advisory councils have been partially studied

УДК 374.3

ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ В КАЗАХСТАНЕ И СТРАНАХ БЛИЖНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ

Д.И.Рузиева – доктор педагогических наук, профессор

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Ш.М.Арзымбетова – кандидат педагогических наук, доцент

Южно-Казахстанский государственный педагогический университет

Д.М.Даулетишева – докторант

Университет дружбы народов имени академика Куатбекова

Таянч сўзлар: ватанпарварлик, қадриятлар, одоб-ахлоқ, она юртқа мухаббат, ватанни химоя қилиш, фуқаролик бурчи.

Ключевые слова: патриотизм, ценности, нравственность, любовь к Родине, защита Родины, гражданский долг.

Key words: patriotism, values, morality, love for the motherland, protection of the motherland, civic duty.

Как известно, программа Первого Президента Республики Казахстан Н.А.Назарбаева «Болашаққа бағдар: рухани жаңғыру», имеющая большое стратегическое значение для нашего народа, сосредоточена на ряде важных задач и актуальных вопросов, связанных с улучшением будущего Казахстана. Где он подчеркнул, что наша главная цель - войти в 30-ку самых развитых стран мира, а также необходимость модернизации, то есть духовного обновления, в соответствии с требованиями современной жизни, которое должно не только дополнять политические и экономические реформы в стране, но и становиться их стержнем [1:8].

Патриотизм-это социально-политический и моральный принцип, обобщенно выражающий чувство любви к Родине, заботу о ее интересах и готовность защищать ее от врагов. Патриотизм проявляется в гордости за достижения родной страны, в горечи от неудач и невзгод, в уважении к историческому прошлому, в бережном отношении к народной памяти, национальным и культурным традициям. Патриотизм как социально-психологическое чувство возник ещё в древности в виде любви к родным местам, к привычному образу жизни. С развитием государственности патриотизм наполняется политическим смыслом, связанным с требованием стойкости и мужества в защите интересов своей Родины. Патриотизм как основное свойство личности проявляется во всех аспектах человеческой деятельности - общении, учебе, работе, а также во всех видах взаимоотношения человека с окружающей действительностью.

26 апреля 2016 года на XXIV сессии «Независимость. Соглашение. Будущее за единой нацией» Ассамблеи народа Казахстана был разработан и принят патриотический акт «Мәңгілік Ел».

«Патриотический акт «Мәңгілік Ел» - это масштабная и уникальная генетическая программа идентичности и единства народа Казахстана. Он должен передавать из поколения в поколение основной формат наших духовных ценностей и устремлений. Он объединяет наши взгляды на экономику и политику, мораль и религию, а также на место Казахстана в глобальном мире. Патриотический акт - это, во-первых, основные национальные ценности, сформированные и переживаемые нашим народом, а во-вторых, стержень взаимной от-

ветственности государства, общества и граждан за судьбу Казахстана, его развитие и процветание. Правильность наших шагов к новым высотам мы будем определять через Патриотический акт, как если бы мы проверили правильность пути по компасу», - отметил в своём выступлении Первый Президент Республики Казахстан Н.А.Назарбаев [2,4].

Патриотизм и его ценности изучаются в социологии, педагогике, политологии, истории, философии, а также рассматриваются учеными на разных этапах и условиях с точки зрения концептуальных идей и научных подходов.

Следует отметить, что основной вклад в патриотическое воспитание молодёжи вносят педагогические практики.

Концепции патриотизма представлены в трудах таких ученых, как М.М.Бахтин, В.С.Библер, К.Ясперс - в разнообразии культур; Л.П.Буева, Е.Г.Злобина, М.С.Каган - в философии общения; Л.Н.Гумилев, Ю.С.Бромлей, В.А.Тишков - в теории этнических групп и этнической идентичности, а также в трудах казахских этнографов Ж.Артыкбаева, Х.Аргынбаева; культурологов А.Сейдимбек, М.Ш.Хасанова, М.Х. Балтабаева; психологов Ж.Жарыкбаева, Ж.Ю.Намазбаевой; философов А.Н.Нысанбаева, Р.Абсаттарова; педагогов К.Ж.Кожажметовой, А.К.Кусаиновой, С.А.Узакбаева и многих других.

Национальная идея «Мәңгілік ел», ставшая настоящей целью нашего суверенного государства, - это идея, которая не только улучшает единство и благосостояние нашего народа, но и способствует дальнейшему развитию нашего молодого государства. «Мәңгілік ел» - это новый шаг в развитии нашей страны. Важность идеи «Мәңгілік ел» лежит в основе послания Первого Президента Нурсултана Назарбаева «Путь Казахстана - 2050: общая цель, общие интересы, общее будущее». «Год назад я провозгласил новый политический курс развития нашей страны до 2050 года. Основная цель - вывести Казахстан в число 30 самых развитых стран мира. Проект «Мәңгілік ел» - это идеальный образ новой эпохи в истории страны ... Мы отдаем дань уважения своему прошлому, гордимся своим настоящим и уверены в благополучном будущем», - сказал Елбасы.